

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 15 август, № 166 (8509) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

# ҲАЁТИМИЗНИНГ МАЪНО-МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН БУЮК МАҚСАД

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ АСОСИГА ҚУРИЛМОҚДА.



*Ўтган йилнинг айни шу кунларида АҚШда бўлиб, NASA (Миллий аэронавтика ва фазо маъмурияти)нинг “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш физиологияси” бўйича дастурида иштирок этгандик. Шу тобда бу сафарни эслаётганимнинг боиси бор, албатта. Сабаби ўша нуфузли тадбир доирасида дунёнинг кўплаб давлатларидан келган олимлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг деярли барчаси Ўзбекистон дунёга қайта очилганини, инсонпарварликка йўғрилганислоҳотлар билан халқаро ҳамжамият диққат-эътибори марказида бўлиб турганини эътироф этишди, эришилаётган ютуқларни юксак баҳолашди. Айниқса, АҚШнинг Ҳарвард университети профессори Рафаэль Кушакнинг давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган сиёсатга берган баҳоси бошқача таъсир қилди, ич-ичимиздан севиниб, қалбимиз фахрга тўлди.*



“Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда БМТ бош минбарида сўзлаган тарихий нутқини эшитиб, давлатингиз раҳбарига нисбатан ҳурматим ошди, — деди у. — Сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қиларкан, жумладан, шундай деганди: **“Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”**.

Биласизми, шундан буён Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб боряпман. Ўтган қисқа давр ичида илм-фан, таълим ва инновацияни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлдим. Шунингдек, диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга ҳавас қилдим. 130 дан зиёд миллат ва элатлар истиқомат қилаётган мамлакатингизда мавжуд 16 диний конфессия, 153 миллий-маданий марказ вакиллари ўртасида бағрикенглик тамойили мустаҳкамланиб бораётганини бутун дунё тан олмоқда.

Мамлакатингизда бўлиб ўтган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда коронавирус инфекциясининг инсон организмига таъсирини бартараф этиш мавзуларига бағишланган нуфузли халқаро конференцияларда ўз маърузаларим билан онлайн қатнашдим ва жуда катта таассурот олдим. Сизга айтсам, имкон топиб дунё тамаддунига ўзининг иккита Уйғониш даврида илм-фан ва маърифат билан муносиб ҳисса қўшган гўзал ва бетакрор юртингизга ташриф буюришни, янги Ўзбекистондаги тизимли ўзгаришларни ўз кўзим билан кўришни, бағрикенг, меҳмондўст ва олийжаноб халқингиз билан дилдан суҳбат қуришни режалаштириб турибман”.

➡ 3

Сенатор ва ҳаёт

## Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар: МУЛОҚОТ ВА ТАҲЛИЛ

*Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид белгиланган вазифалар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш мақсадида Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги сенаторлардан иборат ишчи гуруҳ водий вилоятларида ижтимоий-иқтисодий объектлар фаолияти билан яқиндан танишиб, маҳаллаларда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказмоқда.*

Ишчи гуруҳнинг дастлабки манзили Наманган вилояти бўлди.

Ташриф давомида ишчи гуруҳ томонидан Наманган шаҳри ҳамда Косонсой, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Давлатобод, Наманган туманларида Президент топшириқ ва кўрсатмалари ижроси доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ишчи гуруҳ аъзолари Тўрақўрғон туманидаги 320 ўринли 5-умумтаълим мактабига ташриф буюрди. У ерда янги ўқув йили учун кўрилаётган тайёргарликка, нафақат моддий-техник таъминот масалалари, балки ўқувчилар доимий дарсда иштирок этишини таъминлаш борасида қандай режалар қилинаётганига ҳам эътибор қаратилди.

➡ 2

Кенгаш йиғилиши

## БУГУН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кенгаш аъзолари томонидан Қонунчилик палатаси фаолиятига оид бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.*

Хусусан, Қонунчилик палатасининг бугун — 15 август куни бўлиб ўтадиган мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, унинг кун тартиби лойиҳаси тасдиқланди.

Шунингдек, қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Д. Файзиеванинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан тузилган парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда кун тартибидаги бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маълумот учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси 2023 йил 15 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

Семинар

## ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Яқинда Бухорода Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада яхшилаш, маҳаллий Кенгаш депутатларининг иш самарадорлигини ошириш бўйича семинар бўлиб ўтди.*

Унда Қонунчилик палатаси томонидан тузилган ва Бухоро вилоятига бириктирилган қуйи палата депутатларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари, халқ депутутлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари ва сиёсий партияларнинг вилоят кенгаши раҳбарлари ҳамда Бухоро шаҳри ва Ғиждувон тумани Кенгашларининг бир қатор депутатлари иштирок этди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери томонидан Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар, янгиланган Конституцияда вакиллик органларининг ваколатларига оид нормалар ва уларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш берилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари томонидан охирги вақтларда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига катта эътибор қаратилаётганлиги қайд этилиб, хусусан, маҳаллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудларда энергетика, озиқ-овқат хавфсизлиги, замонавий технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу масалалар юзасидан Фарғона, Тошкент ва Бухоро вилоятларида ўтказилган видеоселектор йиғилишлари ва уларда илгари сурилган топшириқлар ижроси бўйича депутатлик корпуси олдига бир қатор вазифалар қўйилди.

Шу боис ҳам семинарда жойларда амалга оширилган ишлар юзасидан депутатлик назорати масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Хусусан, Бухоро шаҳар ва Ғуждувон туманларида ўрганишлар олиб бориш, аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича масъул ташкилотларнинг ҳисоботини халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида эшитиш ва мазкур йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Қишлоқ хўжалиги ҳар қандай давлат иқтисодиётининг стратегик тармоғи ҳисобланади. Ушбу тармоқнинг мамлакат аҳолиси ҳаёт сифати ва соғлиғининг ҳолати билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат ёки бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, қолаверса, қишлоқ хўжалигида аҳолининг бандлигини таъминлашда ўрни беқиёс.*




### Акс садо

Бундан олти-етти йил олдин даромад топиб, оиласига нафи тегиши учун халқимизга ер берилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. 2021 йил январдан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан ёшларга экин майдонларидан ер ажратилгани яхши натижа берганининг гувоҳи бўляпмиз.

Бундан ташқари, ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Натижада ўтган йиллар давомида деҳқончилик учун аҳолига ажратилган 200 минг гектар ер майдонларида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш бўйича қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, 700 минг нафар аҳоли доимий, яна 1 миллион 300 минг нафари мавсумий иш билан таъминланди. 605 минг нафар деҳқоннинг даромади ошди. Картошка, пиёз, сабзи билан ўзини ўзи таъминлайдиган туманлар кўпайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 10-11 август кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида энди дастлабки босқичда 10 йил муддатга ажратилган 73 минг гектар майдоннинг ижара муддати 30 йилга узайтириб берилишини таъкидлади. Бу эса аҳолини қувонтирди, фаолликка чорлади.

Эътиборлиси, бу борадаги ислоҳотлар янада давом эттирилиши, яъни пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 70 минг гектар ер майдонлари аҳолига деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун ажратилиши кўрсатиб ўтилди.

➡ 2

Фракцияларда

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда фракция йиғилишлари кун тартибидан ўрин олган масалалар кўриб чиқилди.*

### Галдаги устувор вазифалар муҳокамаси

ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизда ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга доир қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросида партия ва унинг депутатлик корпуси олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Дастлаб йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10-11 август кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси қилиши керак бўлган муҳим ишлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи воҳада йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ташаббусларни рўёбга чиқариш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишларни жадал давом эттиришда янги босқични бошлаб беради. Ташриф чоғида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нархнаво барқарорлигини сақлаш ҳамда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП ва унинг фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан ушбу вазифалар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилиб, бу борада партия олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдонини оширишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича бир қатор таклифлар берди.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАДБИРКОР АҚШДА «САВДО УЙИ» ОЧДИ

*“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Бухоро вилояти бўлимининг аъзоси Лайло Равшанова океанорти мамлакати — АҚШда “Савдо уйи” очди.*



— Ишбилармонлик фаолиятимизни 2010 йили “Севинч Текс Сервис” корхонасини таъсис этиш билан бошлаганмиз, — деди Л. Равшанова. — Ўшанда атиги 10 та тўқув дастгоҳимиз бор эди. Ҳозирги кунда улар сони 50 тага етди. Пахта толасидан бўз ишлаб чиқаряпмиз. Яқинда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ташкил этилган делегация таркибида АҚШда бўлдим.

Сафар давомида Американинг ишбилармон доира вакиллари, Филадельфия мэри, Жаҳон банки вице-президенти ва бошқа қатор масъуллар билан фойдали мулоқотлар ўтказилди. Шу жараёнда “STS Tekstile World LLC” деб номланган “Савдо уйи”ни очишга муваффақ бўлдим. Шу тариқа ушбу юрт бозорига экологик тоза маҳсулот саналган экосумкалар етказиб бериш йўлга қўйилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Бухоро вилояти бўлимининг айни дамда икки минг нафардан зиёд аъзолари бор.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳамкорлик

## Ўзбекистон — Ҳиндистон: ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИ

*Ҳиндистон халқи шу йилнинг 15 августида ўз мустақиллигининг 76 йиллигини кенг нишонламоқда. Бугун биз билан бирга қувонаётган ўзбек биродарларимиз ва опа-сингилларимизга шу шукуҳли айём муносабати билан миннатдорлик билдираман. Бу 15 август, шунингдек, “Azadi ka Amrit Mahotsav” деб номланган ва сўнгги бир неча ой ичида Ҳиндистонда ва бутун дунёда эсда қоларли турли тадбирлар билан ташкиллаштирилган Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллигини нишонлаш маросимининг якунланишини англатади.*

➡ 4

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1 Шунингдек, эндиликда бўш турган 100 минг гектар яйловларни чорваси бор аҳоли камида 10 гектардан 10 йил муддатга ижарага олишига рухсат берилади. Аҳамиятлиси, “Ижтимоий ҳимоя реестри”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига ерлар берилгач, улар ер учун барча тўловлардан озод қилинади. Бу аҳолининг аграр тармоқда даромади ортишига йўл очади.



Йиғилиш давомида дала четларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб олинди. Жорий йилдан бошлаб фермер хўжаликларининг 60 минг гектар бўш дала четларида узум, кади, қовун, тарвуз ва сабзавот экиб, қўшимча 220 минг тонна маҳсулот етиштириш, 600 минг бош парранда ва 300 минг асалари оиласини боқиш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, белгиланган режаларни ўз вақтида бажариш, бунда аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда дала четларидан самарали фойдаланишда масъулликни ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилгани мутасаддиларни масъулиятни янада кучайтиришга ундаши билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида аграр соҳанинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган иссиқхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда иссиқхоналар майдони 3 баробарга ошиб, уларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми 90 минг тоннадан 300 минг тоннага кўпайган. Бугунги кунда мазкур тармоқда 150 минг аҳоли юқори даромадли иш билан таъминланган.

Бу каби ижобий натижаларни янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари куз-қиш мавсумида иссиқхоналарга ёқилғи маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, зарур бўлса, бунинг хариди учун кредитлар ажратиш муҳимлиги бўйича алоҳида кўрсатмалар берди. Бу эса иссиқхона йўналишида фаолият олиб бораётган аҳолининг соҳани кенгайтиришга бўлган қизиқишини оширади.

Инсон қачон ўзини бахтли ҳис қилади? Қачонки, барқарор даромад манбаи ва севимли иш жойига эга бўлиб, ўзи ва оила аъзоларига нафи тегса! Президентимиз илгари сурган ташаббуслар бухороликларнинг оиласини боқишга бўлган имкониятини янада кенгайтириши билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимиз томонидан кўтарилган ташаббуслар нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, ерга бўлган муносабатни ўзгартириш, маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Биз, депутатлар, ўз навбатида, ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашда мутасаддилар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз, ўз таклиф ва тавсияларимиз билан уларга кўмаклашишимиз зарур. Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимизга етказиш, уларни ўйлантираётган масалаларни парламент даражасида кўтариб чиқиш ва аграр тармоқни ривожлантиришга оид қонунчиликни такомиллаштиришда фаоллик кўрсатишимиз керак.

**Равшан МАМУТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА МУНОСИБ ОЛИЙГОҲ

*Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соҳада кадрлар салоҳиятини янада ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.*

Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ҳудудларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ресурс имкониятларини кенгайтириш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Қисқа вақт ичида ушбу соҳа катта ўзгаришлар, янгиланишларга юз тутди.

Ўтган даврда соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудудларда янги — замонавий шароитларга эга бўлган тиббиёт институтлари ташкил этилди, мавжудлари эса реконструкция қилинди.

Президентимизнинг тиббий таълимни комплекс ривожлантиришга қаратилган қарорлари мамлакатимизда кадрлар салоҳиятини оширишга, тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва пировард натижада юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашга хизмат қилаётир.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида қурилган биноларда ва тарқоқ жойлашган эди. Илгари ушбу таълим муассасасининг,



ҳатто клиникаси ҳам йўқ эди. Сўнгги йилларда инвестиция дастури доирасида шаҳар чеккасида институт учун янги мажмуа қурилди.

Айтиш мумкинки, жорий йил май ойида фойдаланишга топширилган ушбу таълим даргоҳи нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон тиббиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар тайёрлайдиган масканга айланади.

Зеро, мажмуа 900 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли клиника, симуляция ўқув маркази, виварий, спорт зали, 1200 ўринли талабалар ётоқхоналари, ошхонани ўз ичига олган ҳамда жаҳон стандартига мос яхлит жойлашган. Бу ерда Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти филиали ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда институтда даволаш, педиатрия, стоматология, олий ҳамширалик иши, тиббий педагогика, тиббий профилактика, тиббий биология, халқ табобати, фармация йўналишларида мутахассислар тайёрланмоқда. Уларга 568 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ беряпти.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи доирасида ушбу институтнинг янги биносини бориб кўрди. “Бу Янги Ўзбекистонга муносиб олийгоҳ бўлди. Энди у илми билан халқимизга хизмат қилиши керак...” деди Президентимиз. Ҳеч шубҳасиз, ушбу олий ўқув юрти бу ишончни тўла оқлайди.

Бугун Бухорода ким билан суҳбатлашманг, юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган янгиланиш, ўзгаришлардан мамнунлигини таъкидлайди. Чунки янги Бухоронинг ҳар бир тонги, ҳар бир куни шиддатли бунёдкорликларга бой. Асосийси, одамлар ҳаётдан рози бўлиб, юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ўтган қисқа фурсатда амалга оширилган бундай миқёсдаги ишлар кўламини хаёлга сиғдириш қийин. Тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизни бугунидан рози қилиш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мадина БАРАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# РИВОЖЛАНИШ, ИСТИҚБОЛ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНСА, КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ ОСОН БЎЛАДИ

*Маҳалла — асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.*



Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Шу боис кейинги олти-етти йилда маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилди. Соҳа ривожига доир 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, юртимизда маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистонда ислоҳотларни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биргина “Обод маҳалла” дастурининг ўзи ҳудудлар инфратузилмасини тубдан ўзгартирди, ички йўллар ҳам асфальт қилинди, ёритиш чироқлари ўрнатилди, трансформаторлар янгиланди. Демак, ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатяпти.

Президентимиз 10-11 август кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида Ромитан туманидаги Қаҳрамон маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш даражаси билан танишди. Маҳалла аҳолисининг даромад манбаи, уларнинг ҳаётида ислоҳотларнинг ўрни, маҳалла фуқароларининг бугунги кунидан розилиги суҳбат жараёнида яққол бўй кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари одамлар ислоҳотлар натижасини ўз ҳаётида кўрса куч олади, эртанги кунга интилади, деди. Халқимиз давлатига ва Президентига ишонаётганини, шу билан бирга, янги ўзгаришларни, янги ташаббусларни кутаётганини, бу эса катта масъулият эканини таъкидлади.

Бу борада бизнинг ишонганларимиз, ёрдамчиларимиз, бу — маҳалладаги “бешлик”, яъни маҳалла раиси, аҳолини бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун ўз масъулиятини ҳис қилган маҳалладаги “бешлик” бирлашиб яхши натижаларга эришмоқда. Иссиқхоналар ташкил этиш, тикув цехлари фаолиятини йўлга қўйиш, аҳолини касб-ҳунарга ўргатиш орқали фаоллик кўрсатяпти.

Аслида ҳам ҳар қандай ислоҳот, ривожланиш маҳалладан бошланса аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлади. Муаммолар жойида ҳал қилинади. Зотан, ота-боболаримиз ҳам “Маҳалла — Ватан ичра кичик ватан”, деб бежиз айтмаган.

Хулоса шуки, янги Ўзбекистонда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ислоҳотлар, маҳаллаларга берилаётган эътибор, ушбу масканларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовор. Инсон қадри — улуғ, у эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак, деган эзгу ғоя ижобатига барчамиз гувоҳ бўляпмиз.

**Умида РАҲМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар:

# МУЛОҚОТ ВА ТАҲЛИЛ

1 Шунингдек, тумандаги “Ибрат” МФЙ ҳудудидаги калава ип ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш, матони тўқиш, бўяш йўналишлари бўйича рўёбга чиқарилаётган лойиҳа билан танишилди.

Сўнгра тумандаги “Юқори Мўғилтой” МФЙдаги 700 иш ўрнига мўлжалланган тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти кўздан кечирилди. Бу ерда тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар баробарида, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, уларга тўланаётган иш ҳақлари юзасидан суҳбатлашилди. Мулоқотлар давомида ишчилар бундай корхоналарнинг очилиши яна кўплаб хотин-қизларнинг иш жойига эга бўлиши учун имконият яратишини мамнуният билан қайд этди.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили Косонсой тумани бўлди. Дастлаб “Намуна” кичик саноат зонаси ҳудудида ташкил этилаётган умумий қиймати 180 млрд. сўмлик “Сочиқ ишлаб чиқариш” лойиҳаси билан танишиб чиқилди. Жараёнда туманнинг тоғли ҳудуди бўлган “Косонсой сойи” қирғоғида ички туризмни ривожлантириш орқали янги савдо ва сервис объектларини ишга тушириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Бундан ташқари, Янгиқўрғон ва Давлатобод туманларидаги ишлаб чиқариш қувватлари, тадбиркорлик субъектлари, кичик саноат зоналарида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ўрганилди.

Қайд этилишича, биргина Янгиқўрғон туманининг ўзида 4,6 гектар майдонга эга 2 та кичик саноат зонаси мавжуд бўлиб, бу ерда 43 та янги лойиҳа ишга туширилиши натижасида 1,2 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 январдаги қарорига асосан тумандаги бешта маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидан ўтувчи Ғалаба кўчасини туну кун ишлайдиган савдо, кўнгилочар, гастрономик туризм ва санъат йўналишларига ихтисослаштирилган махсус кўчага айлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати кўздан кечирилди.

Сенат Раиси Наманган шаҳрида 1030 ўринли ўқув ўрнига мўлжаллаб реконструкция қилинаётган 38-умумтаълим мактаби ва 180 ўринли 30-мактабгача таълим муассасасидаги реконструкция ва Қўқон кўчасида олиб борилаётган асфальтлаш ва ободонлаштириш жараёни билан ҳам яқиндан танишди.

Ўрганишлар давомида Наманган шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиника фаолияти билан танишилди. Эътиборлиси, ана шу жараёнда поликлиника биноси сўнгги 10 йилда умуман капитал таъмирланмагани, тўлиқ реконструкцияга муҳтожлиги аниқланиб, бу бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

Галдаги манзил — Наманган туманининг “Миришкор” МФЙ ҳудудида жойлашган “Тошбулоқ инвест гроуп” корхонаси бўлди. Қайд этилишича, 130 млрд. сўмлик лойиҳа асосида ташкил қилинаётган “Цемент ишлаб чиқариш заводи” ишга туширилиши натижасида тумандаги 10 та маҳалланинг 170 нафар аҳолиси иш билан таъминланади.

Маълум бўлишича, Наманган туманидаги 3 та саноат зонасида бўш турган 24 гектар майдонда 80 та янги лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш ва камида 2500 та янги иш ўрни яратиш имконияти мавжуд.

Ўрганиш натижалари сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раислари ҳамда сектор раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги котибияти ва гуруҳ раҳбарлари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирокида кенг муҳокамадан ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ишчи гуруҳнинг вилоятдаги ўрганишлари доимий давом эттириладиган, натижалар эса ҳар икки ҳафтада халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида ҳамда Сенат Кенгаши ва вилоят Кенгаши қўшма мажлисларида танқидий муҳокама қилиниб, масъулларнинг бу борадаги ахборотлари эшитиб бориладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

1 Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасида чорвага озуқа етиштириш учун деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерлар майдони оширилиши ҳисобига деҳқон хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қўшимча шароитлар яратади.

Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

## Шаҳарсозликдаги муаммо ва бюрократик тўсиқларга қачон барҳам берилади?

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилишида Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқувчи партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Бухоро шаҳрини ривожлантириш лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Бухоронинг тарихий қисмида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун шароитларни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, Тўдакўл сув омборининг Ғарбий ҳудуди Бухоро вилоятига ўтказилиб, дам олиш туризмини ташкил этиш режалаштирилган.

Йиғилишда ташриф давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, партия ва унинг фракцияси олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди.

Йиғилишда “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг муҳимлиги, айни чоғда, зарурлигини эътиборга олиб уни такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиришди. Ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар ўртага ташланди ва уларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши архитектура ва қурилишдаги давлат хизматларини кўрсатиш борасида амалиётда кузатилаётган мавжуд муаммолар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

## Суд қарорларини қайта кўришнинг янги механизмлари

“Адолат” СДП фракциясининг йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта кўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, суднинг ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилмоқда. Яъни қонун лойиҳасида туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати беріляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш механизмини янада такомиллаштириш, суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ҳамда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция азолари қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда депутатлар кўтарган саволлар ва таклифлар юзасидан мутахассислар томонидан батафсил жавоблар олиниб, мазкур қонун лойиҳаси маъқулланди.

## Кодексга қандай ўзгартиришлар киритилаётир?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра кейинги вақтларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қурилиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларга зид равишда кўп ҳолатда қурилишга, шунингдек, реконструкциялаш, вақтинчалик бино-иншоотлар тиклашга рухсат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинган.

Мазкур ҳужжат билан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қурилиш соҳасига оид уларга хос бўлмаган айрим ваколатлари тугатилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши архитектура ва қурилиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатиш борасида амалиётда кузатилаётган мавжуд муаммоларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликларни ва ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари муҳокама жараёнида мазкур лойиҳанинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, қурилиш ва реконструкция қилишга рухсат бериш тегишли ташкилотлар, мутахассисларнинг хулосасига биноан амалга оширилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидладилар.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб бир қатор таклифлар берди. Узоқ давом этган бахс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

## Чорвага озуқа етиштириш учун қўшимча ер майдони ажратилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг йиғилишида дастлаб Президентимизнинг шу йил 10-11 август кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқувчи партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, юртимизда “яшил” энергетикани ривожлантириш, иқтисодиётга энергиятежамкор технологияларни жорий этиш бўйича катта ишлар қилинаётир. Хусусан, ўтган даврда 430 мегаватли қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилди.

Шу билан бирга, энергия ресурсларини тежаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бунинг учун йил якунига қадар 3,7 млрд. киловатт-соат электр ва 2,4 млрд. куб метр газни иқтисод қилиш зарур. Ушбу вазифалар партия ва унинг фракцияси олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Бу борада фракция мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга алоҳида масъулият билан ёндашиб, фаоллик кўрсатади.

Фракция йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдонини оширишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида аҳолига чорва озуқаси етиштириш учун деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдони амалдаги 2 гектарлик чегарадан 5 гектаргача оширилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳудудда чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш, чорва озуқа базасини кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг ўз хонадонларида чорва моллари боқишни ташкил этиш ва чорва озуқа базасига бўлган талабни қондиришга хизмат қилади.

Муҳокама давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси партия манфаатларига тўла мос келишини эътиборга олиб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

*Фракциялар йиғилишлари якунида кун тартибидаги қонун лойиҳалари ҳамда бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТИМИЗНИНГ МАЪНО-МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН БУЮК МАҚСАД

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ АСОСИГА ҚУРИЛМОҚДА.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

1

### Зулматни ёритувчи қуёш

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлида амалга оширилаётган шиддатли, инқилобий ислоҳотларнинг ўзак нуқталаридан бири этиб илм-фан ва таълимни сифат жиҳатдан ривожлантириш белгиланган. Зеро, барча ютуқ ва муваффақиятлар негизда сифатли таълим, чуқур билим ётади. Ҳадиси шарифда айтилганидек, “Илм ўрганинглар: илм зулматда қуёш, вахшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамда раҳбар, душманга қарши қуролдир”.

Шу боис мустақилликка эришганимиздан кейин давлат сиёсати янгиланиб, барча соҳалар, хусусан, таълим тизими ислоҳ қилинди. Натижада кўплаб муваффақиятлар қўлга киритилди. Шу билан бирга, баъзи хатоларга ҳам йўл қўйилдики, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Улар ичида энг каттаси, шубҳасиз, бу илмга, билимга етарли даражада эътибор берилмаганидир. Оқибатда мактаблар, олий ўқув юртлари, юмшоқ қилиб айтганда, аянчли аҳволга келиб қолди, эркак ўқитувчилар таълим тизимидан узоқлашиб кетди...

Бу ҳақда гап кетганда, олий таълимдаги сунъий йўқотишни эсламасдан сира иложи йўқ.

Кечагидек ёдимда, 2008 йилда 60 ёш ва ундан юқори бўлган барча академик, профессорлар нафақага чиқарилиши ҳақида топшириқ келди. Буни эшитган илм аҳли ўзларини бир лаҳзада бор-будидан айрилгандай ҳис қилишгани рост. Ахир ўзингиз ўйланг, 60 ёш илм-фанда айни етилган камолот палласи ҳисобланмайдими?! Шунинг учун бу нотўғри қарор нафақат мен, балки бутун Ўзбекистондаги академик-профессор, зиёлилар учун жуда оғир кечди...

Шукрки, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида, аниқроғи, Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланган 2016 йилдан сўнг таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, тизим бутунлай янгиланди, эски хатолар эса тўғрилана бошланди. Олимлар, педагог кадрларнинг қадди кўтарилди, қадри ошди. Улар ўз фаолиятида мамлакатда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ташкил этилган мутлақо янгича иш юритиш мақоми ва меҳрни ҳис қила бошлади.

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари фаолиятининг дастлабки пайтидаёқ, мамлакатнинг етакчи олимлари, зиёлилари, академиклари билан учрашди. Узоқ давом этган самимий учрашувда илм-фанни янада ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Ўз навбатида, академик олимлар кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, фунтаментал йўналишларни ривожлантириш, академиклар мактабини яратиш, етакчи олимлар салоҳияти ва тажрибасидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифларини билдириб, йиллар давомида дилига тугиб юрган ўй-фикрлари билан ўртоқлашди.

Учрашувда қайта-қайта тилга олинган масала кадрлар тайёрлаш тизими бўлди. Негаки, бугунги таълим сифати шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий дунёнинг янгича талабларига мослаштирилмаса, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмаса, эртага кеч бўлиши мумкин. Зеро, илм-фан ва таълимга дарз кетса, у охир-оқибат таназзулга олиб келади. Буни тасаввур этиш учун Жанубий Африка Республикаси университетининг кираверишида битилган мана бу сўзларни эслаш кифоя, назаримда: “Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракеталарга ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса, бас. Бундай врачлар қўлига тушган беморлар ўла бошлайди. Бундай иқтисодчилар ва ҳисобчилар қўлидаги пуллар изсиз йўқолади. Бундай диний уламолар туфайли инсонлар маънан ўла бошлайди. Бундай юристлар ва судьялар қўлида адолат йўқлик сари юз тутади... Қонун чиқарувчилар қўлида бошқарув йўқ бўлади. Таълимнинг барбод бўлиши — миллатнинг касодга учрашидир”.

Мана, таълим тизими мамлакат тақдири, жамият ривожида қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигига битта мисол!

### Тараққиёт таълим-тарбиядан бошланади

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти илм-фан, таълим-тарбия ва инновацияга таянади. Аммо технологик жиҳатдан юксалиш тараққиётнинг юқори технологияли даражасига ўтишнинг зарур шарти ўлароқ, инсон капитали сифатини оширишни талаб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ислоҳотларни, аввало, инсон капиталини оширишга хизмат қиладиган соҳалардан бошлаганининг боиси ҳам ана шунда.

Яъни миллат етакчиси томонидан мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни сифатида кўрилмоқда. Шу боис ушбу соҳани ривожлантириш бўйича кўлами жиҳатидан ниҳоятда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида қисқа муддат ичида таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгариб, унинг ижобий самаралари кўзга ташлана бошлади.

Бир эътибор қилинг-а: болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 72 фоизга олиб чиқилди, мактаб таълимида қўшимча 700 минг ўқувчи ўрни яратилди, 200 га яқин мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда 400 та хусусий мактаб ташкил қилинди.

Шу билан бирга, таълимга замонавий методика кириб келиши, дарсликларнинг энг илғор хорижий тажрибалар асосида тўлиқ янгиланиши, мактабларга минглаб чет эллик муаллимлар жалб қилиниши — буларнинг барчаси эртамиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак билимли этиб тарбиялашга йўл очяпти. Бунинг самараси ўлароқ, мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлмоқда, чет эл олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Чиндан ҳам, кейинги пайтда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси кескин ошди. Агар 2016 йилда йигит-қизларимизнинг атиги 9 фоизига талаба бўлиш бахти насиб қилган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 38 фоизга етди. Яъни бу борада 4,2 баробар ўсишга эришилди. Табиийки, бунда олий таълим муассасалари сони уч баробар оширилиб, 77 тадан 210 тага етказилгани, 65 та нодавлат ОТМ ташкил этилгани, шунингдек, хорижий ОТМ филиаллари сони 4,2 баробар кўпайгани муҳим омил бўлди. Пировардида бугунги кунда 1 миллиондан ортиқ йигит-қизлар олий таълимда таҳсил олмоқда. Таққослаш учун: талабалар сони 2016 йилда 270 минг нафар бўлган холос.

Ушбу муваффақиятлар замирида Президентимиз ташаббуси билан татбиқ қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мужассам, десак, айни ҳақиқат. Бинобарин, ушбу ҳужжатда интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар қамраб олинган. Бундан кўзланган мақсад — олий таълимни модернизация қилиш орқали мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга эришишдир.

Шу боис таълим тизимидаги миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги замон меъёрларига мослаштирилди. Хусусан, 2020 йил 23 сентябрь куни имзоланган “Таълим тўғрисида”ги Қонун соҳа тараққиётида янги уфқларни очиб берди. Унга мувофиқ, ўқитишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан ҳамкорликда қўшма факультет ва ўқув марказлари очишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий қилиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Бу каби янгиланишлар олий таълим тизимида яқин ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, соҳани тубдан такомиллаштириш ҳамда изчил, замонавий, инновацион ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

### Етти йиллик учун улкан мақсадлар

Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, бугунги мавжуд шароитлар болаларга 60 фоиз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини бераётган экан. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда, келгуси етти йиллик учун улкан вазифалар белгилаб олинмоқда. Эътиборлиси, бу борадаги янгиланишлар одатдагидек энг қуйи бўғиндан бошланяпти. Яъни 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланиб, қамров 100 фоизга етказилади ва боғчаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Гап шундаки, яқин етти йил давомида қўшимча равишда 2 мингта янги боғчалар қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун 7 фоизлик ставкада 10 йил муддатга кредит бериш учун имконият яратилиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатларини солиқлардан тўла озод қилиш тартиби ишлаб чиқилади.

Ҳар бир боғчани компьютер синфи билан таъминлаш чоралари кўрилади. Бу, ўз навбатида, болаларни эрта ёшдан бошлаб замонавий ахборот технологияларига ўргатишга ва уларнинг келажакда юксак салоҳиятга эга бўлишига мустаҳкам пойдевордир. Шунингдек, боғча ва мактаблар инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, фильтрланган ичимлик суви, санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш ҳамда болаларнинг соғлом овқатланишига кўмаклашиш мақсадида уларга оқсил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут ва йодга тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилади. Бу жараёнда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмайди. Бундай оилалар фарзандлари учун боғча, жумладан, хусусий боғча харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилиши қувонарли ҳолдир.

Мактабларда эса таълим сифатини тубдан яхшилашга қаратилган “Йилига 500 минг ўқувчи ўрни” дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинади. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан тўлиқ таъминланиб, чекка ҳудудларда бепул “мактаб автобуслари” фаолияти йўлга қўйилади.

Олий таълим ва илм-фан тизимини ҳам хорижнинг илғор тажрибалари асосида ривожлантириш мақсад қилинган. Хусусан, дунёдаги “Топ — 500”га кирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма ўқув дастури ва “икки дипломли тизим”ни (“double degree”) жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу йўналишда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Финляндия, Нидерландия, Туркия, Россия, Индонезия, Исроил сингари давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб, “double degree” таълим дастурлари асосида ўқитиш қамрови кенгайтирилади. Бу, аввало, жамиятимиз ривожи, давлатимиз тараққиётига хизмат қиладиган зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш имконини беради.


**Бакриддин ЗАРИПОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, Рим университети фахрий профессори, академик.**

Булардан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса, янги Ўзбекистонни бунёд этишда камарбаста бўладиган учинчи Ренессанс авлодларини камол топтиришдир. Зеро, давлатимиз раҳбари яқинда Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилар экан:

**“Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни ким барпо этади?**

**Албатта, сизлар!**

**Юртимиз, халқимизни келажакда ким рози қилади?**

**Албатта, сизлар!**

**Халқимиз, Ватанимиз сизларга ишонади.**

**Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз.**

**Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!**

**Изланиш ва интилишдан асло тўхтаманг!**

**Бахт ва омад доимо сизларга ёр бўлсин!”** дея алоҳида таъкидлади.

### Буюк аждодларимиз гени, албатта, уйғонади!

Янги тамаддун, учинчи Ренессанс бунёдкорлари айнан янги Ўзбекистондан чиқишига каминанинг физиологик олим сифатида ишончи комил. Чунки қонимизда буюк инсонларнинг, даҳоларнинг, иккита Уйғонишга асос солган алломаларнинг генлари мавжуд. Мамлакатимизда илм-фан, таълимни ривожлантириш, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш бўйича яратиб берилаётган шароитлар туфайли ана шу генлар хусусиятлари, албатта, юзага чиқади. Халқимиз “Оққан дарё оқмай қолмас” деганларидек, фанда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ген хусусиятлари мўътадил шароит яратилганда ўзини намоён этиши исботланган. Бу жараёнда миллат оналарига катта масъулият юкланади. Зеро, она барча учун илк устоз саналади.

Маълумотларга қараганда, Имом Бухорий камолотида онасининг хизмати, айниқса, беқиёс бўлган. Ёшлигида отасидан етим қолган бўлғуси ҳадисшунос онасининг бағрида катта бўлади. Волидаси уни энг гўзал тарзда тарбия қилади. Ҳамиша дуода бўлар, таълим ва ислоҳга рағбатлантирар, унга яхшилик эшикларини зийнатлантириб кўрсатиш ҳаракатида бўлар эди. Ўн олти ёшга етганида у билан бирга ҳаж қилади ва фарзандини ўша ерда қолдириб, ўзи ортга қайтиб кетади. Бола у ерда илм олди ва Имом Бухорий бўлиб юртига қайтди.

Бола тарбиясида Сарой Мулк хоним ҳам ибрат намунаси бўла олади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бибихоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназири бўлган. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, Ватанни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди. Бибихоним фарзанд кўрмаган. Аммо Соҳибқирон ўз ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган.

Бугун хотин-қизларнинг таълим олишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, магистратурага қабул қилинган қизлар тўлов-шартномаси давлат томонидан тўлаб берилаётгани, умуман, бўлғуси оналарга ҳар томонлама кўрсатилаётган ғамхўрликлар, Шарқда иккинчи Ренессанс аталмиш даврга шароит яратиб берган буюк соҳибқирон Амир Темурнинг тутумларини ёдга солади...

Буюк ватандошимиз Имом Ғаззолий шундай деган: “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар”.

### Янги тамаддун бўсағасида

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида жадал иқтисодий ўсишга фақатгина табиий ресурслардан фойдаланиш, инвестицияларни жалб қилиш ва меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлаш билан эмас, балки таълим-тарбия, илм-фан ва инновациялар ҳисобига эришишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Чунки навбатдаги “саноат инқилоби”ни фақатгина илм-фан ютуқлари, илғор ғоя ва ишланмалар, “ноу-хау”лар билан қилиш мумкин, холос. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз олдига учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратиш ва уни миллий ғоя сифатида кўришни стратегик вазифа этиб белгилаб берилишидан кўзланган асл мақсад-муддао ҳам янгилик ва кашфиётлар қилишга қодир салоҳиятли авлодни тарбиялашдир.

Тарихдан аёнки, бизнинг заминимиз икки Уйғониш даврига бешик бўлган. “Марказий Осиёда мусулмон ренессанси” дея ном олган биринчи Ренессанс даври IX — XII асрларда бўлиб ўтган бўлса, иккинчи Ренессанс даври эса темурийлар салтанатида санъат ва илм-фаннинг гуллаб-яшнаган даврида бошланиб, XIV — XVI асрларда кузатилган.

Тамаддуннинг навбатдагиси, учинчи Ренессанс эса айнан бизнинг замон ва маконда содир бўлишига ишоралар кўп. Зотан, инсонпарварлик ва илм-маърифат асосига қуриладиган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш миллат етакчиси, янги Ўзбекистон меъмори ҳаётининг маъно-мазмунига айланган. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида бу ҳақда тўхталиб, шундай деди: “Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга тинимсиз ишлашга, бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этишга тайёрман”.

Ҳа, учинчи Ренессанс даври бўсағасида турган янги Ўзбекистон яна Марказий Осиё тамаддунида минтақавий тараққиёт марказига айланишига ҳеч шубҳа йўқ. Бунинг асосий шарти бўлган умумуйғониш кайфияти жамиятимиз ҳаётида яққол сезилиб, юртдошларимизни барча соҳада янгилик қилиш, кашфиётлар яратиш, қисқача айтганда, улкан мақсад сари руҳлантирмоқда. Бу жараёнда ҳар биримиз тафаккуримиз, онг-шууримиз, меҳнат фаолиятимизда илм-фан, таълим-тарбия ва инновацияга асосланган янги жамият яратиш учун сафарбарлик эълон қилмоғимиз зарур!

# ҲАМ БАХТ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

*Мустақиллик инсон имкониятларини баралла намоён этиши учун уфқларга туташ майдондир. Ҳар бир воқелик таққосда билинар экан, бугунги ҳаётимизни мустабид давр билан муқояса қилсак, манзара яққол намоён бўлади. Шу ўринда қонун чиқаришдаги бир жиҳатни эслайлик. Турғунлик йиллари собиқ тузум Олий Кенгашида қонунлар қабул қилинар ва иттифоқдош республикалар “марказ”дан ранг олиб, ўз қонунларини яратишар эди. Миллий республикадаги қонун “юқори”нинг қонунига зид келиб қолса, ушбу ҳужжатга амал қилинар, мазкур жараёнда турли миллатларнинг ўзига хос менталитети, мавжуд муҳит, шарт-шароит ҳисобга олинмасди.*

Шукрки, бугун мустабид тузум билан бирга инсон тақдирига бундай адолатсиз муносабат ҳам барҳам топди. Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланаётган ҳозирги кунда халқимиз бутунлай янги ҳаёт, янги Ўзбекистонни бунёд этишга интилиб яшамоқда.

Истиқлол юртимиз фуқароларига қандай ҳуқуқ ва имкониятлар берганини дилдан ҳис қилсак, кучимизга куч қўшилиши табиий. Учинчи Ренессанс халқимизнинг навбатдаги муқаддас манзили деб белгиланган даврда бу ният чинакам ватанпарварлар шижоати билан мавжуд воқеликка айланади. Насиб этса, келажакда бутун Ўзбекистоннинг ҳамма жабҳаларида ўсиш, улғайиш, кўтарилиш амалга ошади. Ён-атрофимиздаги мамлакатлар Ўзбекистондаги юксалишга ҳавас қилади, дўстона хурсанд бўлади. Тўғри, бу осон эмас. Бунинг учун дастгоҳ олдида турган ишчи ҳам, далада ишлаётган деҳқон ҳам, ёш авлодга дарс бераётган муаллим ҳам — ҳамма шу Ватан ободлиги йўлида кўнглида эзгу ният билан меҳнат қилиши керак. Фақат кўплар куч-ғайрати ягона мақсадни кўзлагандагина орзулар рўёбга чиқади.

Жойларда аҳоли вакиллари билан жонли мулоқотларда ҳар қандай расмийликдан холи, халқ ҳаётидаги ўзгаришлар асосида мароқли суҳбат айни муддаодир.

Бугун 88 ёшга кирган Салоҳиддин Назаров “Уч авлод учрашуви”да эркинлик, ҳурлик бебаҳо неъматлигини айтиб, мустабид замон азобларини ўз ҳаётида кўрганлигини баён этади. Отахоннинг хотирлашича, истиқлолдан олдин кичик бир иморат қуриш учун ҳам “юқори”нинг рухсати талаб қилинарди. Бугун-чи? Эркинлик, бюрократиядан холилик бинокорликда ҳам яққол кўриниб турибди. Бу мамлакатимизни кенг кўламли бунёдкорлик майдонига айлантирди. Кейинги 5-6 йилда Ғаллаоролда қурилган бир-биридан гўзал, маҳобатли иншоотлар учун илгари юз йил ҳам етмасди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар қадамда халқимизнинг пок кўнглини кўриш мумкин. Мисол учун, тандир олдида ишлаётган новвойнинг ҳолатини кўз олдимизга келтирайлик. Олов тафтидан оқарган тандир деворидан қизариб пишган кулчаларни узаётган новвой неча-неча одамларнинг ризқ-насибаси тайёр бўлаётганини кўнглида сезиб туради. Тандирдан чиқаётган ҳароратга қалб ҳарорати қўшилиб, уни меҳнат қилишга, фидойиликка ундайди.

Президентимиз иқтисодиёт ривожи, маҳаллалар ҳаёти, саноат корхоналари ва янги ишлаб чиқариш қувватлари билан танишиш мақсадида вилоятларга ташриф буюрганида бутун халқимизнинг эътибори ўша ҳудудга қаратилган бўлади. Бир корхонанинг ҳолатига баҳо беришда бошқа жойлардаги ишлаб чиқариш объектларида дуч келган масалалар ечими ҳақида ҳам сўз юритилади. Президентнинг ҳам бир ташрифи ҳамма учун алоҳида сабоқдир. Бухородаги тўқимачилик корхонаси муаммосини ҳал этиш йўллари Андижондаги турдош корхона учун ҳам ечимдир.

Инсон қадри таъминланиши ҳақида сўз кетар экан, бу аввало, маҳалла бағрида намоён бўлади. Агар ҳамма маҳаллада ишлар яхши йўлга қўйилса, бутун туман, вилоят ва мамлакатда ҳаётимиз кўнгилдагидек кечади.

Ҳаётимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Баъзилар бу ислоҳотлар ўз-ўзидан бўлмоқда, деб ўйлайди. Аслида, ундай эмас. Бу ўзгаришлар, ҳаётимиздаги туб янгиланишлар, машаққатли меҳнат, неча-неча уйқусиз тунлар, фидойилик сабаб юз очмоқда. Биз эмас, қўшни республикалар фуқароларидан “Ўзбекистон халқи ҳаёти қандай?” деб сўраб кўринг. Улар бизга ростакамига ҳавас қилишларини айтишади. Бу бор гап. Агар ҳамма ҳозирги маромда интилса, Ватан ободлигини кўриб яшаса, ҳали янада фаровон ҳаётга эришамиз. Ўз Ватанимиз қанча гўзаллашса, руҳимиз ҳам шунча баланд марраларни забт этади.



Мустақилликнинг 32 йиллигини бу йил илк бор янгиланган Конституция амал қилаётган даврда нишонлаяпмиз. Ҳар бир фуқаро зиммасида катта масъулият, фахр-ифтихор намоён бўлмоқда. Бугун инсон қадри, шаъни ҳар қачонгидан юксак поғонага кўтарилган давр. Шундай бир шароитда меҳнаткаш халқимиз билан янги марралар сари интилишимиз табиий ва бу йўлда бизни янгидан-янги ғалабалар кутмоқда.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ («Халқ сўзи»).**

# Ўзбекистон – Ҳиндистон: ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИ

1 Биз Ҳиндистоннинг “Azadi ka Amrit Mahotsav”ни махсус эсдалик почта маркаси билан шарафлаган Ўзбекистонга ва “Ўзбекистон почтаси” АЖга миннатдорлик билдирамиз. Ўзбекистоннинг Ҳиндистонга кўрсатган дўстлиги, ҳамкорлиги ва доимий қўллаб-қувватлашини қадрлаймиз.

1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустамлакачиликка қарши узоқ давом этган курашдан сўнг ўз мустақиллигини қўлга киритди. Маҳатма Ганди бошчилигидаги миллионлаб ҳиндлар ва Жавоҳарлал Неру, Сардар Пател, Маулана Азад, Ражендра Прасад ва доктор Б. Р. Амбедкар каби озодлик курашининг бошқа кўплаб арбоблари бошчилигидаги тинчлик билан мустақилликка эришиш йўлидаги ҳаракати бизни адолат ва тенгликни таъминлайдиган мамлакат асосларини яратишга, сўз ва эътиқод эркинлиги, демократия ва қонун устуворлиги, глобал ишларда тинчлик ва халқаро ҳамкорликка интилишга илҳомлантирди.

Биз озодлик курашининг буюк пешқадамларига ва Ҳиндистон



**Маниш ПРАБҲАТ,**
**Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси.**

Конституциясининг асосчиларига бузилмаган демократия ва Ҳиндистон давлати тузилиши гуллаб-яшнаган мустаҳкам институционал асосларни яратгани учун ҳурмат изҳор этамиз. Дунёдаги энг йирик демократия сифатида Ҳиндистон бугунги кунда дунёдаги бешинчи йирик иқтисодиётга эга мамлакатдир. Ҳукумат Ҳиндистоннинг тараққиёт сиёсатини “Sabka saat, Sabka Vikas” (Тараққиёт ҳамма учун) шиори остида олиб боради.

Бугунги кунда Ҳиндистон Глобал Жанубнинг етакчи устунидир. “Катта йигирматалик” (“G20”)нинг ҳозирги раиси сифатида Ҳиндистон ушбу муҳим органда ривожланаётган мамлакатларнинг “овози”ни етказишга ҳаракат қилди. Ривожланаётган мамлакатлар манфаати учун озиқ-овқат хавфсизлиги, ўғитлар, ёқилғи, инклюзив молиявий архитектура, қашшоқлик ва иқлим ўзгаришига қарши кураш, Глобал Жанубнинг ролини кучайтириш учун кўп томонлама органлардаги ислоҳотлар масалалари Ҳиндистоннинг устувор йўналишлари орасида биринчи ўринда туради. “G20”га раислигида, Ҳиндистон қадимги санскритча “Vasudhayva kutumbakam” шиори остида ҳаракат қилади ва бу “Бир овоз, бир мақсад”, деган маънони англатади.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон икки қадимий қўшни давлат ва цивилизациянинг қадимги буюк ўчоқларидир. Икки минг йилдан ортиқ давом этган тарихда икки мамлакат халқлари ўртасида узлуксиз ўзаро алоқалар кузатилди.




Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик шериклардир ва Ҳиндистон Бош вазири Шри Нарендра Моди ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари раҳбарлигида ушбу ҳамкорлик кўплаб соҳаларда кенгайди. Икки мамлакат жаҳон саҳнасида яқиндан шериклик қилмоқда. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига муваффақиятли раислиги 2022 йил сентябрь ойида Ҳиндистонга топширилди ва 2023 йил июль ойида Нью-Деҳли декларацияси қабул қилиниши билан Ҳиндистоннинг ушбу муҳим органга муваффақиятли раислиги ўз эътирофини топди. Ҳиндистон саммитнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлашда Ўзбекистоннинг Ҳиндистонни доимий қўллаб-қувватлашини эътироф этди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг келажаги порлоқ. Бизнинг икки томонлама муносабатларимиз мустаҳкамланмоқда ва бизнинг минтақавий ташаббусимиз бўлмиш “Ҳиндистон — Марказий Осиё” саммитининг минтақа халқлари манфаати ва барчанинг тараққиёти ҳамда ривожланиши учун турли йўналишларда унумдор алоқалар ўрнатишга олиб келади.

# ШҲТ ВА УНДАГИ ҲИНДИСТОН РАИСЛИГИ

*Глобал кескинлик ва COVID-19 пандемиясининг ҳалокатли оқибатлари бутун дунёга ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда Ҳиндистон 2022 йил сентябрда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва декабрь ойида “Катта йигирматалик” (“G20”) раислигини ўз зиммасига олди.*

Бу жуда қийин давр бўлиши ҳаммага аён эди, чунки ушбу вақт оралиғи дунё устунлари ҳисобланган мамлакатлар ўртасидаги рақобат, ҳақиқатан ҳам, авжига чиққан ҳамда глобал товарлар, умумий бойлик ва фаровонликка унчалик эътибор берилмаган даврга тўғри келди. Стратегик автономия, мулоқот, дипломатия ва тинчликнинг умумэътироф этилган принципиал сиёсати билан Ҳиндистон нафақат Глобал Жанубнинг “овози”га, балки халқаро ҳамжамиятда ақл-идрокнинг овозига ҳам айланди.

Ҳиндистон раислигидаги 23-саммит июль ойида бўлиб ўтган бўлса-да, ундан олдин турли даражадаги кўплаб учрашувлар, шу жумладан, Гоада ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши уюштирилди. Илгари мудофаа вазирлари ва бошқа органларнинг ўнлаб вакиллари “Нью-Деҳли декларацияси”га тегишли изоҳлар бериб, минтақалараро ҳамкорликни ҳамда хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш мақсадларини кучайтирди.

Ҳиндистон раислиги даврида ШҲТ хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш, ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик, миллий суверенитет ва ҳудудий яхлитликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни қўллаб-қувватловчи “катта оила” сифатида қаралади ва бу Ҳиндистон ташаббуси эди. Худди шундай, Ҳиндистон ҳам стартаплар ва инновацияларни ўз ичига олган ҳамкорликнинг янги устунларини яратди: анъанавий тиббиёт, ёшларга имкониятларни кенгайтириш, рақамли интеграция ва буддизмнинг умумий мероси.

Ушбу мақсадларга эришиш учун стартаплар ва инновациялар ҳамда анъанавий тиббиёт бўйича янги ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ўн тўртта вазирлик йиғилишининг мавзуси энергетика соҳасидаги янги ёқилғи бўйича ҳамкорликни ўз ичига олган ҳолда кенгайтирилди, транспорт соҳасидаги декарбонизация ва рақамли трансформация бўйича ҳамда рақамли жамоат инфратузилмаси юзасидан ҳамкорлик кучайтирилди.

ШҲТ глобал демографик дивиденднинг 40 фоизини, Евроосиё ҳудудининг 60 фоизини ва Ҳиндистон, Хитой ҳамда Россия бошчилигидаги учта асосий глобал ўйинчилар ва манфаатдор томонлар билан жаҳон иқтисодиётининг деярли 1/3 қисмини ташкил этади. Ҳиндистон ўз раислиги даврида ёш олимлар конклави, ёш муаллифлар конклави, ёш резидентлар дастури, стартаплар форуми ва ёшлар кенгаши орқали ёшлар дивидендлари ва истеъдодларидан фойдаланиш зарурлигини тан олгани ажабланарли эмас.

Яна бир муҳим ташаббус ҳар бир раислик даврида рамзий шаҳарни аниқлаш орқали туризмни ривожлантириш эди. Ўз навбатида, Ҳиндистон ШҲТнинг биринчи сайёҳлик ва маданий пойтахти сифатида боқий шаҳарлардан бири қадимий Варанаси шаҳрини танлади.

Бошқа томондан, Ҳиндистон ШҲТга аъзо давлатлар, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари билан “Марказий Осиёни боғлаш” сиёсати соябони остида алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича фойдали ташаббуслари орқали фаол ҳамкорлик қилмоқда ва ҳатто стратегик енгиллик кузатилса, ШҲТ ва Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўташи ҳам мумкин. Уланишнинг аҳамияти ҳақида нутқи чоғида, Бош вазир Моди мустаҳкам ва такомиллаштирилган алоқалар нафақат ўзаро савдони ривожлантиришга, балки ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшишини таъкидлади.

**Анил ТРИГУНАЯТ,**
**собиқ элчи.**

# Илм-фан ва таълим соҳасидаги яқин ҳамкорлик

*Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, санъати ва тарихий обидаларидаги ўхшашликлар, халқларимизнинг ўзаро маънавий бойиши, уларнинг бири-бирига ўтишида буюк аждодларимиз ва бой тарихий ришталарнинг теранлигини, халқларимизнинг бебаҳо ёдгорликлари ҳисобланган “Маҳабхарат”, “Рамаяна”, Ману қонунлари ва “Авесто”, “Алпомиш”, “Темур тузуклари”, “Бобурнома”да ҳам кўришимиз мумкин. Уларнинг беқиёс мероси Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида мамлакатимизнинг мустақилликка эришган даврдан бери икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги босқичини очиб берди.*

Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик шериклик ва анъанавий дўстона алоқалари асосида савдо, сармоя, иқтисодиёт, маданий гуманитар ҳамкорлик, ёшлар ва таълим алмашинувлари билан боғлиқ турли соҳаларда, айниқса, юқори технологиялар, инновация, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш йўналишларидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланмоқда. Эндиликда илмий ва маданий соҳадаги самарали алоқаларни жипслаштиришда буларнинг барчаси катта салоҳият ва мазмун касб этмоқда. Бу борада мамлакатларимизнинг таълим соҳасида қўшма таълим, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини очиш, илмий тадқиқот ва технологиялар йўналишида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришни назарда тутувчи қўшма “Йўл харитаси” қабул қилинди. Юртимизда Ҳиндистоннинг “Amity”, “Sharda”, “Sambram” каби олий ўқув юртларининг филиаллари очилди. Яқин вақт ичида яна “Glocal”, “LNCT”, “Integral” филиалларини очиш режалаштирилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотлар давомида амалий аҳамият касб этаётган мамлакатларимиз университетлари ўртасидаги ҳамкорлик янгича мазмун ва моҳиятга эга бўлиб бормоқда. Яқинда Деҳли университети таклифига биноан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ушбу мамлакатнинг ҳуқуқий ва таълим тизими билан танишиш, юридик



кадрлар тайёрлаш соҳасида олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш ва ҳар икки давлат университетлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишни назарда тутган хизмат сафарига бордим.

Ислоҳотлар даврида юқорида қайд этилган соҳалар ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон босиб ўтган тарихий йўл ҳам диққатга сазовор бўлиб, бунда ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ҳамкорлик доирасини кенгайтириш муҳим.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори.**

## Ислоҳ қилинган кўп манфаатли ёндашув:

# РИВОЖЛАНАЁТГАН ДУНЁ ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ислоҳ қилинган кўп томонлама ёндашувни биринчи бўлиб Бош вазир Моди Жанубий Африканинг Йоҳаннесбург шаҳрида уюштирилган 2018 йилги БРИКС саммити етакчилари йиғилишида айтиб ўтди. Ўшанда таъкидланганидек, БРИКС бундан ўн йил аввал, қисман кўп томонлама тузилмаларда замонавий воқеликни акс эттирмайдиган ислоҳотлар дастурини илгари суриш, БРИКС каби, яъни бошқа йирик иқтисодиётларни бошқаришда кўпроқ сўз бериш мақсадида тузилган.*

Яқинда ташқи ишлар вазири доктор С. Жайшанкар айтганидек, “Халқаро тартиб ривожланиб бораётгани сари 1945 йилдаги вазиятнинг элементларини танлаб сақлаб қолиш ва бошқаларни ўзгартириш истаги — биз буни БМТда ҳам кўриб турамиз ва бу жаҳон сиёсатини мураккаблаштиради”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши турли сабабларга кўра қисқарди, уларнинг аксарияти унинг вакили бўлмаган ва анахронистик табиати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Кенгаш кун тартибининг деярли 70 фоизи Африкага тегишли.

Аммо доимий Африка миссияси бўлмаса, Кенгаш қандай ваколатларга эга?

Доктор Жайшанкар БМТ Бош Ассамблеясида таъкидлаганидек, бу бутун қитъалар ва минтақаларнинг келажагини муҳокама қиладиган форумда овоз беришни рад этувчи чуқур адолатсизлик сифатида қабул қилинади.

Кенгаш халқаро тинчлик ва хавфсизлик нимадан ташкил этилишини кенг кўламли кўриб чиқаётгани сабабли ислоҳотлар янада долзарб бўлиб қолди. Кенгаш ривожланаётган мамлакатлардан доимий аъзоларни жалб қилиш орқали замонавий воқеликни акс эттириш учун ислоҳ қилиниши керак.

Шубҳасиз, Ҳиндистон раислиги ривожланаётган дунё учун муҳим ислоҳотлар ташаббусларини осиб қўйиш учун қозиқ бўлади. Бизнинг рақамли ва “яшил” ташаббусларимиз каби жамоат манфаати учун Ҳиндистоннинг баъзи муваффақият ҳикояларини намойиш қилиш ўйинни ўзгартиради.

Умуман олганда, Ҳиндистон ислоҳот, “яшил” ва гендер сезгир ривожланиш, инклюзивлик, ўсиш, ўзгариш ва инновациялар бўйича кун тартиби билан “G20”га раҳбарлик қилишга тайёр.

**Т. С. ТИРУМУРТИ,**
**Ҳиндистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили (2020 — 2022).**
(2021 йил августда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг президенти бўлган).

# «ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ» САММИТИ

*“Катта йигирматалик”, яъни “G20” раислиги эстафетаси Ҳиндистонга топширилди. “G20” давлатлари биргаликда қарзларни енгиллаштириш, халқаро солиққа тортиш, банклар учун капитал ва ликвидлик талабларини тартибга солиш, ХВФни қайта капиталлаштириш, 2008 йилги жаҳон молиявий инқирози даврида молиявий вазиятни барқарорлаштириш, қарздорликни тўхтатиб туриш ташаббусини яратиш, умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ютуқларга эришдилар.*

Йиллар давомида “G20” ўз кун тартибини коррупция, терроризмни молиялаштиришга қарши, иш ўринлари ва фаровонлик, гиёҳвандлик моддалари савдосига тўсиқ қўйиш, миграция, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгариши каби масалаларни ўз ичига олган ҳолда кенгайтириш устида ишлади. Ушбу ютуқларга асосланиб, Ҳиндистон инклюзив ва мақсадли ҳаракатга йўналтирилган раисликни олиб боришга тайёр. Украинадаги можаро туфайли дунё геосиёсий инқирозга юз тутмоқда.

Таъминот занжирларида глобал узилишлар муаммоси, иқлимни молиялаштириш ва иқлим ҳаракати инқирози мавжуд ва дунёнинг 70 та мамлакати қарз инқирозига дуч келмоқда. Дунёда 200 миллион киши қашшоқлик чегарасидан пастга тушди, 75 миллион киши ишсиз қолди.

## Инклюзив дипломатия

БМТ Хавфсизлик Кенгаши геосиёсат масаласида боши берк кўчага кириб қолди. Хитой стратегик ва оқилона эгаллаш орқали дунёдаги 15 та кўп томонлама ташкилотда ҳукмронлик қилади. БМТ тизими ислоҳотга жуда муҳтож, “G7” эса бадавлат мамлакатларнинг элита гуруҳи сифатида қабул қилинади.




Шри Нарендра Моди мамлакат Бош вазири лавозимини эгаллаши арафасида Ҳиндистон бир қатор муҳим ютуқларга эришганини, жумладан, рақамли ривожланиш, ҳамкорликда қарор қабул қилиш ва демократия, аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмига кўмаклашишга йўналтирилган ва ёшларнинг потенциалини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда миллий тараққиётни ўзгартирувчи “халқ ҳаракати” деб номланган фуқаролар томонидан олиб бориладиган бошқарув модели қўлланишини айтиб ўтди.

Ҳиндистон жамият учун ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, эмлаш ва шаффоф, инклюзив ва мослашувчан рақамли дастурларни яратиш учун рақамли технологиядан муваффақиятли фойдаланмоқда; молиявий хизматлардан кенг тарзда фойдаланишни ва электрон тўловларни ҳам йўлга қўйган. Бу Париж келишувига мувофиқ иқлим ўзгаришини камайтиришга миллий даражада қатъий ҳисса қўшиш йўлида бораётган “G20”даги ягона мамлакатдир.

Бош вазир Моди Ҳиндистонда “LiFE” (Атроф-муҳитни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳаёт тарзи) ҳаракатини бошлаб, муваффақиятли турмуш тарзини қабул қилишни оммавий ҳаракатга айлантирди. Лекин энг муҳими, ташқи ишлар вазири С. Жайшанкарнинг сўзларига кўра, Ҳиндистон мамлакатнинг геосиёсий мавқеини белгилашда технологиянинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳиндистон бир қанча устувор масалаларни белгилаб олди ва бунга ўсиш ва фаровонлик, барқарор глобал таъминот занжирлари, кичик ва ўрта корхоналар, логистика, ЖСТ, ХВФ ва Жаҳон банки каби кўп томонлама институтлардаги ислоҳотлар ва “G20” раислигида аёллар бошчилигидаги ривожланиш каби йўналишлар киради. Мамлакат табиий офатлар хавфи ва унга чидамлилик бўйича янги ташаббуслар ва “Start Up 20” ташаббусларини яратишда етакчилик қилиши кутилмоқда. Ҳиндистон халқаро савдони осонлаштириш учун умумий рақамли платформани, ривожланаётган мамлакатларга ЖСТ низоларини ҳал қилишда ҳуқуқий ёрдам тизимини таклиф этиши кўзда тутилган.

Ривожланаётган ва энг кам ривожланган мамлакатлар учун қийинчиликларни бартараф қилиш ва COVID-19 пандемияси каби аниқ белгиланган шароитларда ЖСТда муҳим муаммоларни ҳал этиш назарда тутилган.

Ҳиндистон глобал соғлиқни сақлаш хавфсизлиги ҳамда вакцина ишлаб чиқариш ва тарқатишда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги, барқарор ривожланиш мақсадлари ва иқлимни молиялаштириш бўйича ривожланаётган дунёнинг овози сифатида ҳаракат қилади. У Жанубий Африка билан ЖСТда COVID-19 билан боғлиқ тиббий технологиялар ва тегишли асбоб-ускуналар учун интеллектуал мулк ҳимоясини патентлашдан воз кечиш борасида етакчилик қилади.

Ўз раислигида Ҳиндистон ривожланаётган мамлакатларнинг COVID-19 пандемияси каби соғлиқни сақлаш инқирозларига қарши курашиш имкониятларини кучайтирувчи механизмларни яратишга қарор қилди.

Ҳиндистон “G20” раислигидан глобал кун тартибини белгиловчи, глобал фаровонлик учун инклюзив глобал ўсишни таъминловчи ва конструктив консенсус яратувчи сифатида ҳаракат қилишга умид билдирди.

**Анил ВАДХВА,**
**Нью-Деҳлидаги Вивекананда халқаро жамғармасининг илмий аъзоси.**
(Илгари ташқи ишлар вазирлигида (Шарқий бўлинмада) котиб бўлган).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6